Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 174 (7064). ● 12 сентябрь, 1979 йил ▲ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ҚИЗИЛ КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

34 минг тонналик «оқ олтин» хирмони барпо этиш учун курашаётган Чиноз райони пахтакорлари эрта баҳордан бери қилаётган тинимсиз меҳнатлари, матонатлари ва фидокорликлари самараси — дастлабки пахта ҳосилини Ватанга армуғон этдилар. 10 сентябрда район пахтакорларининг биринчи карвони пахта пунктлари томон йўл олди.

Чиноз пахта тозалаш заводи дарвозаси олдида «оқ олтин» ортилган трактор ва машиналар саф тортган. Қизил алвонларда «Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказамиз», «Ҳосилнинг 90 процента машиналарда», «Планни 15 иш кунида бажарамиз» деган сўзлар ёзилган.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси Э. Бойназаров «биринчи чаноқ» тантанасига бағишланган митингни қисқача кириш сўзи билан очади. Сўзга чиққан Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Азимов, «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Ш. Шоҳалилова, район агротехника кенгашининг аъзоси Р. Муродов, Чиноз пахта тозалаш заводининг директори, республикада хизмат кўрсатган саноат ходими Ш. Ғуломовлар пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида эммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиш тўғрисида гапирдилар.

Чиноз пахта тозалаш заводи ишчилар, техника ва механизаторлар ҳамкорлиги ва ҳар бир пахтакорнинг ҳаракатлари ҳосилнинг 85 процентини машиналарда теришга имкон берди. Ҳозирги кунларда ҳосилнинг 90 процентини машиналарда теришга эришилмоқда. Ҳар бир машина ва ҳар бир пахтакор ишини ҳисобга олиб, ҳар бир машинанинг ишини ҳисобга олиб, ҳар бир машинанинг ишини ҳисобга олиб, ҳар бир машинанинг

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Совет космонавтлари В. Ляхов билан В. Рюминнинг тарихда орбита бўйлаб энг узоқ учишлари ниҳоясига етганлигига бутун дунёда космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштириш ишига қўшилган катта ҳисса, деб баҳо берилди. Улар «Салют» — «Союз» илмий тадқиқот комплексининг бортида ўтказилган 175 сутка мобайнида космонавтикани, илм-фанни, халқ хўжалиги практикасининг турли соҳаларини янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб илмий-техникавий эксперименталр ва тадқиқотлар катта программасини муваффақиятли бажардилар. 10 сентябрь куни Москвада совет журналистлари ва чет эллик журналистлар учун ўтказилган матбуот конференцияси мана шу воқеага бағишланди.

Мислсиз космик рейс қаҳрамонлари — СССРнинг космонавт учувчилари В. Ляхов ва В. Рюмин, таниқли совет олимлари, космик техника бўйича мутахассислар, учишни бошқариш ва совет космонавтларини тайёрлаш маркази раҳбарлари матбуот, радио ва телевидение вакиллари билан учрашгани келдилар. Матбуот конференциясини олиб борувчи СССР ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Ю. Н. Черняков уларни журналистларга таништирди.

СССР Фанлар академияси космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик кенгашининг («Интеркосмос») раиси академик Б. Н. ПЕТРОВ биринчи бўлиб сўзлади. У учиш чоғида бажарилган илмий-тадқиқот ва экспериментлар кенг программасига юксак баҳо берди. Ер атрофи орбитасида совет космонавтларининг давомат жиҳатидан мислсиз учишлари ва қаҳрамонона меҳнатлари, деди олим, бутун дунёда миллион-миллион кишиларнинг диққат-эътиборларига сазовор бўлди. Бу учиш мураккаб илмий-техникавий вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминлаган Ватан ракета, космик техникаси юксак даражада эканлигини яна бир карра намойиш этди. Кенг кўламдаги илмий тадқиқот экспериментларнинг бажарилиши билан ҳозирги замон фани ва техникасига катта ҳисса қўшилди. Учиш программасини бажаришда Владимир Афанасьевич Ляхов билан Валерий Викторович Рюмин космик техникани чуқур билишларини, ўз касбларини чуқур эгаллаганликлари ва маҳоратларини кўрсатдилар. Улар станция ичидаги системалар, приборлар ва илмий аппаратларни синчиклаб текшириб чиқдилар, профилактик ва ремонт-тиклаш ишларини бажардилар. Станция ичидаги системалар илмий аппаратларнинг айрим блокларини ҳамда ҳаётни таъминлаш системасининг элементларини алмаштирдилар. Учиш давомида В. Ляхов ва В. Рюмин ўртоқлар учта автомат юк кемаси «Прогресс»нинг ҳамда учувчисиз «Союз-34» кемасининг юкларини тушириб олдилар. Шу узоқ экспедиция вақтида станцияга етказилган жами юклар 4538 килограммга борди, учиш чоғида «Салют-6» станциясига жами 9 тоннадан ортиқ қуруқ юк ва 4 тонна ёқилғи етказилди.

Иккита туташтирувчи узел, янги мотор установка ҳамда станцияга ёқилғи, аппаратлар, сарфланувчи материаллар муттасил етказиб турилганлиги натижасида кўп мақсадли ягона космик лаборатория — «Салют-6», «Союз» — «Прогресс» илмий тадқиқот комплекси узоқ вақт активи ишлаб турди.

«Салют-6» станцияси қарийб икки йилдан бери космик вахтада турибди. Шу вақт ичида унинг ичида учта асосий узоқ муддатли экспедиция ва тўртта бориб қайтувчи экспедиция — жами 14 космонавт ишлади. Транспорт ва юк космик кемалари 17 марта туташтирилди, ёқилғи камомати 6 марта тўлдирилди, орбита саксон мартага яқин ростлаб қўйилди. Коинотнинг довюрак тадқиқотчилари станция айрим системалари ва агрегатларини ремонт қилиш ва профилактика ишларини ўтказиш учун уч марта очиқ космоса чиқдилар. «Прогресс» юк кемалари ўзининг пухта эканлигини кўрсатди. Орбитада станция ва икки космик кемадан иборат космик комплексларни яратиш иши ўзлаштирилди.

Сўнгра Б. Н. Петров учиш чоғида бажарилган кўпдан-кўп тадқиқот ва экспериментларга тўхталди. У антеннасининг диаметри 10 метрга борадиган КРТ-10 космик радиотелескопи яратилиши ва ундан орбитада фойдаланилишини Ватан космонавтикасининг муҳим ютуғи, деб таърифлади. Ана шу самарали прибор ёрдами билан Ер ва халқ хўжалиги тўғрисидаги фан манфаатлари йўлидаги тадқиқотлар бажарилди, шунингдек Қуёш системасининг нариёғида бўлган манбаларни радиоастрономик ўрганиш ишлари бажарилди.

Космосда илк бор йиғилган катта радиотелескоп истиқболли янги тадқиқот йўналиши — космик радиоастрономия йўлини очиб берди. Иш чоғида радиотелескоп билан амалга оширилган ер—космос базали радиоастрономик антенна системаси базаси ер диаметридан ортадиган ва шунга мувофиқ ердаги имконидан каттароқ имконга эга бўлган бўлгуси радиоинтерферометрлар яратишда босилган илк қадамдир. Орбитада радиотелескоп йиғиб ясалиши космик технологиянинг янги йўналиши — белгиланган шаклга эга бўлган ва фазода ниҳоятда аниқ мўлжал оладиган катта йиғма ва буклама конструкциялар яратиш — космик технологиянинг янги йўналишида биринчи қадам босилганлигини ҳам билдиради. Б. Н. Петров айтдики, «Салют-6» — «Союз» — «Прогресс» космик комплексидан фойдаланиб учиш программаси бўйича халқаро экипажларнинг учишлари совет космонавтикасининг катта ютуғи бўлди. Чехословакия, Польша, ГДР ва Болгария космонавтлари совет космонавтлари билан бирга учдилар, орбитада эса бошқа социалистик мамлакат олимлари Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари билан тайёрлаган кўпдан-кўп экспериментлар бажарилди.

Космосда эришилган ажойиб зафар — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет ҳукумати даримиз фан-техника тараққиётининг етакчи йўналишларидан бири — космонавтикани ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликларининг натижасидир.

Космик медицина соҳасида таниқли совет олими академик О. Г. ГАЗЕНКОга сўз берилди.

«Салют-6» станциясидаги 3 асосий экспедиция экипажининг аъзолари В. Ляхов ва В. Рюмин, деди у, ўз миссияларига жуда яхши тайёргарлик кўрдилар, осон бўлмаган ишларни муваффақият билан бажардилар ва яхши аҳволда Ерга қайтиб тушдилар.

Шуни айтиш керакки, бутун учиш чоғида космонавтларнинг ҳаёт фаолиятлари шароитларини таъминлаб турувчи ускуналар жуда соз ишлаб турди. Умумий барометрик босим ва газ муҳитнинг асосий компонентлари, температура ва ҳаво намлиги жиҳатидан қулай шароитлар сақланди.

Учиш мобайнида учишни бошқариш Марказида ишлаган медицина мутахассислари экипаж соғлиғини кузатиш ва тадқиқ этиш борасида жуда кўп материал тўпладилар.

Космонавтлар жуда кўп тадқиқот ишларини бажардилар. Космонавтлар бутун узоқ вақт учиш давомида соғлиқларини яхши, аҳволларини дурст ва кайфиятларини тетик сақлашга муваффақ бўлдилар. Кардиограммалар синчиклаб анализ қилинганида, юрак ишида нормадан четланишлар бўлмаганлигини кўрсатди. Зўриқиш реакциялари учишдан олдинги маълумотларга мувофиқ келди. Томир уришининг аҳволини, артериал босимни таъриф-ловчи ҳар хил физиологик ва бошқа кўп параметрлар ўзгаришларда салбий тенденция бўлмаганлигини кўрсатди.

Илмий материаллар ва илмий техникавий материалларнинг бир қисми ишлаб чиқилди, қолган қисми ишлаб чиқилмоқда. Аммо бита-та жуда муҳим натижа ҳозироқ равшан. Экипаж соғлиғини яхши аҳволда, руҳини тетик сақлагани ҳолда одам космосда мураккаб ишларни шунчалик узоқ муддат муваффақият билан бажара олиш мумкинлигини исбот қилди.

Академик О. Г. Газенко экипажнинг ердаги шароитларга қайта кўникиш хусусиятлари тўғрисида гапириб берди. Жумладан, у айтдики, шу билан боғлиқ қийинчиликлар бундан аввалги учишлар тугаганидан сўнг кўриладиганига нисбатан ортиқча бўлмаган. Аксинча, дастлабки маълумотларга кўра, В. Ляхов билан В. Рюмин учиш давомати камроқ бўлган ҳамкасбларига нисбатан ушбу проблемани ҳатто бир мунча тезроқ ва енгилроқ уддалаганлар.

Сўнгра экипажнинг командири СССРнинг космонавт учувчиси В. А. ЛЯХОВ журналистлар ҳузурида гапирди.

Учишларнинг шундай хусусиятлари борки, деди космонавт, бу хусусиятлар ҳеч қандай инструкцияга кирмайди, уларни тренажерларда машқ қилиб пишиқтиролмайсиз. Бу хусусиятлар бир экипаждан иккинчи экипажга айтилиб туради. Биз ўз ишимизда мана шу тажрибаларга тез-тез амал қилиб турдик. Булар ремонт профилактика ишлари, эксперимент ва тадқиқотлар планли равишда бажарилишини, маиший турмуш ва ҳордиқ чиқариш ташкил этилишини ўз ичига олади.

У учиш программаси ва асосий босқичлари тўғрисида, «Прогресс» юк транспорт кемаларининг орбитадаги тадқиқот ишлари учун кенгайтирган имкониятлари тўғрисида гапирди. Жумладан, у айтдики, транспорт кемалари учишнинг дастлабки ойларида олинган маълумотларнинг ерда ўтказилган анализи натижаларини «Салют-6» бортига етказиб турди. Шундай қилиб, битта экспедиция иш чоғининг ўзида тадқиқот методларини тўғрилаб бориш имконияти вужудга келган. Биз шу иш натижалари фан ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг кўламда қўлланиб, келгусида узоқ муддатли экспедициялар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Пухта ва шинам орбитал станцияни, «Союз» ва «Прогресс» кемаларини яратган кўпгина илмий коллективлар, конструкторлик коллективлари ва ишлаб чиқариш коллективларининг кўп меҳнатларисиз, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш Маркази мутахассисларининг аниқ ишларисиз, космодром, учишни бошқариш Маркази, команда ўлчов ва излаш-қутқариш комплексларисиз орбитал комплекс ичидаги ҳамма ишларимиз рўёбга чиқмаган бўлур эди. Биз уларнинг ҳаммаларига самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Пировардида В. А. Ляхов экипажнинг меҳнатига берган юксак баҳолари учун КПСС Марказий Комитетига, совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди.

СССРнинг космонавт учувчиси В. В. РЮМИН минбарга чиқади. У ўз нутқига ўтказилган учиш чоғида қилинган илмий-техникавий экспериментлар ва космик техника синовларини асосий мавзу қилиб олди.

Ўтказган экспедициямиз, деди у, узоқ муддатли орбитал станция юк ва транспорт кемалари билан самарали ишлай олишини яна бир карра таъкидлади. Жумладан, юк кемалари янгиянги илмий ва технологик ускуналар етказиб бериб, станцияни илмий лабораторияга айлантириб такомиллаштиришга имкон берди.

Космонавт орбитада бажарилган бошқа экспериментлар орасида «Буғлаткич» установкасида бажарилган ишни айтиб ўтди. Унинг ёрдами билан турли металл пластиналар юзига юпқа кумуш пардаси қопланган. Станция ичидаги «Қотишма» ва «Кристалл» печлари бетўхтов ишлаб турди. Уларнинг ёрдами билан белгиланган йўналишда кристалл ўсиш қилиш ва ҳажмий кристаллантириш методи билан ўнлаб намуналар олинди.

В. В. Рюмин космонавтлар СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар территориясини майда масштаб билан фотосуратга олганликлари тўғрисида, халқ хўжалиги турли соҳаларининг манфаатлари йўлида орбитадан туриб олиб борилган визуал кўзатиш ва асбоблар ёрдамида кузатишлар ҳақида журналистларга гапириб берди.

Янги аппаратларни ҳамда космик кемани бошқариш ишларини такомиллаштириш усулларини синаш орбитал программанинг катта бир бўлимини ташкил қилди. Станция ичида бир қанча биологик ва медицина тадқиқотлари бажарилди. Орбитал комплекснинг борт инженери сўзлаган нутқида Совет ва Болгария олимлари ҳамда мутахассислари тайёрлаган экспериментларнинг бажарилишига эътибор берди. Болгариянинг «Ей» электрофотометри ёрдами билан ионосфера ҳодисалари: қизил экваториал ёйлар, қутб ёғдуси, атмосфера эмиссиялари тадқиқ этилди. БХРда тайёрланган «Спектр-15» спектрометрининг ёрдами билан ер юзи тадқиқ этилди, атмосферанинг шаффофлиги, хира атмосфера хоссаларининг ўзгариши, станция иллюминаторларининг оптик характеристикалари ўлчанди.

Сўнгра олимлар билан космонавтлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

МАҲАМАТ Турматов Олмалиқ гилам фабрикасининг пешқадам участка мастери. У бошлиқ коллектив социалистик мусобақанинг олдинги сафида бораяпти.

В. Сироткин фотоси.

МУҚАДДАС БУРЧ

Шонли партиямиз XXV съездининг шу беш йилликда белгилаган муҳим социал вазифаларидан бири товар оборотини 27—29 процент оширишга эришишдан иборат. Бу кўрсаткични қўлга киритиш учун бутун мамлакатимиздаги савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, харидорлар ва хўрандалар вақтини тежаш борасида кўп ишлар қилинди.

Буни бизнинг Тошкент область савдо бошқармасига қарашли объектлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган уч ярим йил ичида хизматчиларимиз савдо моддий-техника базасини мустаҳкамлашда анча самаларга эришдилар. 1976—1979 йиллар давомида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилишига кўплаб маблағ сарфланди. Замонавий, кўркам магазинлар, савдо марказлари, ресторанлар, кафе, ошхона, ва чойхоналар, омборхоналар қурилди. Ҳаммаси бўлиб 14324 квадрат метр савдо майдонига эга бўлган чекана савдо объектлари, 6057 ўринли умумий овқатланиш корхоналари ишга туширилди. Ангрен шаҳрида савдо маркази, Чирчиқда 200 ўринли ошхона ва озиқ-овқат магазини, Олмалиқда ресторан, Янгийўлда кафе фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда областда 154 та магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи асосида ишламоқда. Бу магазинларнинг умумий товар оборотига қўшаётган ҳиссаси 52,1 процентни, Чирчиқда 69 процентни ташкил этаётир.

Область савдо ташкилотларида кўплаб ўз касбини севган кадрлар хизмат кўрсатмоқда. Улардан 105 нафари эса «Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган савдо ходими» унвонига сазовор бўлган, 248 савдо ходими «Совет савдоси аълочиси» нишони билан мукофотланган.

Бекобод умумий овқатланиш трестининг 12-ошхона ошпаз бригадири Ольга Григорьевна Хованская, Янгийўл умумий овқатланиш корхонасига қарашли 1-тармоқ мудири Ҳанима Тожибоева, Бекобод савдо бўлимининг 4-омбор мудири Гулсара Умаралиеваларни меҳнаткашлар ширинсуяклиги, хизмат кўрсатиш маданияти даражасини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссалари учун самимий ҳурмат қилиб келмоқдалар.

Ангрен шаҳар савдо бўлимининг 83-универмаги, Чирчиқ умумий овқатланиш трестининг 1-ошхонаси, Ангрен керамика комбинатининг ошхонаси, Бекобод шаҳар савдоси бўлимининг «Космос» магазини коллективлари ҳам ўз аъло хизматлари билан намуна кўрсатмоқдалар.

Савдо ходимлари область партия ташкилотининг ғамхўрлигига таяниб аҳолига савдо хизмати кўрсатишни жадал ривожлантириб бормоқдалар. Уч йиллик товар оборот плани ошириб бажарилди. Шу йилнинг ярим йили ичида чакана товар оборотн 6,9 процент ортди, аҳолига 257 миллион сўмлик турли хил товарлар сотилди. Халққа уй-рўзғор учун зарур бўлган холодильниклар, кир ювиш машиналари, радиоприёмниклар, гиламлар, енгил машиналар сотиш кўпайди.

Шу давр ичида умумий овқатланиш оборот ҳам 4 процент ошди. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл умумий овқатланиш трестларининг савдо ходимлари муваффақиятли ишлашди.

Биз савдо хизматига кўпроқ хотин-қизларни жалб этяпмиз. Ҳозирги пайтда область савдо ташкилотларида хизмат қилаётганларнинг 81,2 проценти аёллардир. Улар социалистик мажбуриятларни бажаришда, ёш кадрларни тарбиялашда фаол иштирок этмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда савдо ва умумий овқатланиш ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Бу топшириқларни шараф билан бажариш ҳар бир савдо ходимининг муқаддас бурчидир.

О. ЮСУПОВА,
область савдо бошқармасининг бошлиғи.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

Чуқур билим ва тажрибага эга бўлган киши меҳнат постида ўзини доим эркин ва хотиржам тутади. Юмуш билан ўзига мурожаат қилганларга ҳамиша очиқ кўнгил ва хушмуомалада бўлади. Ҳамма унинг кабулидан ҳар вақт хурсанд бўлиб чиқади.

Маҳмуд ака Юнусов ана шундай гўзал фазилат эгаси, кекса шифокор. 1948 йилдан буён халқ сиҳат-саломатлиги йўлида куч-ғайрат сарфлаб келади. Калинин районидаги собиқ «Назарбек» ҳозирги «Хасково» совхози қишлоқ меҳнаткашлари уни Тошкент давлат медицина институтининг даволаш факультетини битириб, бу ерга ишга келганидан бери яхши таниқади. Вақтнинг тез ўтишини қаранг, шунга ҳам 30 йил бўлибди. Маҳмуд ака совхозга йўлланма билан дастлаб ишга келганда амбулаторияда, 1955 йилдан эса совхоз касалхонасида ишлади. Тажрибали терапевт 1977 йилдан ҳозирга давр яна амбулаторияда етакчи шифокор сифатида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти.

— Мен совхозга ишга келганимда, — деб эслайди Маҳмуд ака, — қишлоқда бўғма, безгак, кўкйўтал, тиф каби касалликлар тарқалган пайтлар эди. У вақтда шифокорлар кам бўлгани учун беморларнинг ҳаммасини кўриб улгуролмасдик. Ишдан кейин уйида ночор ётган хасталарни велосипедда юриб даволашга тўғри келарди. Махсус транспорт қаёқда дейсиз унда. Дам олиш вақти уйда ҳам тинчлик йўқ эди. Тунда, тонг саҳарлаб ҳам эшик тақилларди. Ташвишда умид билан келган одамни қайтариб бўлармиди. Беморнинг ўз қалосқоридан умиди — онага бўлган меҳр билан баробар, дейишади-ку ахир халқда. Хўп, деб йўқловчимнинг ортидан беморнинг уйига отланаверардим. Улар мени унутган эмас, ҳали-ҳали эслаб йўқлашади.

Ҳа, Маҳмуд ака озмунча беморларнинг дардига малҳам бўлмадими. Уларни даволади, ҳам ширин сўзини берди. Гулшод Ғафиннуллина, Баҳром Олимжонов сингари кўплаб шогирдлар етиштирди, уларга ўз бой тажрибасини ўргатди. Ота изидан борган ўғли Мирабзал Юнусов ҳам бугун шифокор, шаҳар марказий касалхонасида врач.

Ҳозирги кунда совхозда 18 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 4 мингги ўн тўрт ёшгача бўлган болалар. Маҳмуд ака коллективнинг бошқа фидокор шифокорлари Фароғатхон Эшмўҳамедова, Аъзам Мирғозиевлар билан бир сафда кечаю-кундуз ана шуларнинг саломатлиги ғамини ейди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги, дейди халқимиз. Бу йўлда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилиб келаётган Маҳмуд ака актив жамоатчи ҳамдир. Уни тез-тез дала шийпонларида клубларда ноз-неъмат бунёдкорлари ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказаётган вақтларида учратасиз.

Шифокорга эл меҳри тушган. Кўзлар унга умид ва ҳурмат билан боқади.

Х. НОСИРОВ.

ПОЙТАХТДАГИ асбобсозлик заводининг илғор ишчилари Сандкарим Мухиддинов ва Эркин Раҳматов шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда. Бу илғор фрезерчиларнинг қўлидан чиқаётган деталлар фақат аъло сифат билан қабул қилиняпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ДАЛА ШИЙПОНИДА ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Кафтдек текис асфальт йўлнинг икки томони кенг пахтазор. Кўсаклари тиш ёрган ғўзалар кўрган кўзни қувонтиради. Ҳадемай, пайкалларда терим машиналари сўза бошлайди. Етилган мўл ҳосил катта хирмон томон йўл олади.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг 1210 гектар пахтазори бор. Колхоз аъзолари ҳосилдорликни 32,3 центнер ўрнига 40 центнерга етказишга ва эл хирмонига 4840 тонна «оқ олтин» армуғон этишга ваъда беришган. Пахтакорларнинг аҳди қатъий. Тўпланаётган ҳосил чўғи шундан далолат бериб турибди.

Момиқдек «оқ олтин»нинг кулиб боқиши учун миришкор деҳқонларимиз, пахта ишқида ёнган каттаю-кичик озмунча тер тўкдими. Ҳозир ҳам ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Ҳосил шоҳларида кўсаклар кўпайиб бормоқда.

— Бутун маҳоратимиз, билимимиз, тажрибамизни ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ўтказишга сафарбар этяпмиз., — дейди колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев, — тупроқни юмшоқ ҳолда сақлаш, бегона ўтларни йўқотиш, суғоришни маромида давом эттиришга ҳаракат қиляпмиз, ҳашаротга қарши кураш чораларини кўряпмиз.

Ғўзаларни бир текисда қондириб суғоришда Эшбой Алимов катта тажриба тўплаган. Фаҳрланса арзийдиган механизаторлар ҳам оз эмас. Эсерга Фармонов бултур ўз «пўлат от»да 90 тонна пахта терган бўлса бу йил 150 тоннани кўзлаб турибди. Унинг мусобақадоши Илёс Аҳмедов эса 160 тонна «оқ олтин» териб бермоқчи. Чевар теримчи қизларимиздан Дилбар Худойбердиева, Замира Пиримқулова бу йил ҳам мусобақадош.

ДАВРА СУҲБАТИ

Колхозда пахтадан ташқари чорвачилик, дон маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайиб бормоқда. Чорвадорлар ҳар бош соғин сигирдан 3,5—4 минг литрдан ошириб сут соғиб олишга эришаётирлар. Мусобақадошлар Ортиқой Жиянова билан Ольга Крон бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ меҳнат қилаётирлар. Бу йил Ольга 3500 литр сут соғиб олишга аҳд қилган бўлса, мусобақадоши Ортиқой эса 4 минг литр сут соғиб олмоқчи. Улар меҳнат қилиш билан бирга маданий ҳордиқ ҳам оладилар. Қизиқарли учрашувлар, суҳбатларнинг кети узилмайди.

Яқинда 7-бригада дала шийпони одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда Тошкент область комсомол комитетининг ташаббуси билан «Қизлар гурунги»нинг кўчма лекторий машғулоти бўлди. Гурунг қатнашчиларини Оққўрғон район партия комитетининг секретари Саодат Йўлдошева қутлади. Сўнг сўзни филология фанлари кандидати, Беруний мукофоти лауреати Музайяна Алавия олди.

— Бизда ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди, — деди у. — Биз ташриф буюрган колхоз мен билан замондош бўлган севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон номидалигидан бахтиёрман. Улкан шоирни кўрганим ва унинг порлоқ хотираси абадий сақланаётган озод турмуда яшаб, нафас олаётганимдан бахтлиман.

Олиманинг суҳбати таъсирли бўлди. У хотин-қизларни ахлоқ, одобга ундовчи ҳикоятлар сўзлаб берди.

— Қиз боланинг ҳусни унинг одобида, шарму ҳаёлилигида,— аянинг фикрини қувватлаб юрист Забаржад Анорбоева.

Йиғинда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва вазифалари ҳақида сўзлади.

— Саломатлигимизни сақлаш ўз қўлимизда. Айниқса далада меҳнат қилаётган аёллар ҳамиша гигиена қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда иш тутсалар, ўз-ўзларига ҳисоб бериб турсалар фойдадан ҳали бўлмайди, — деди ТошМИ доценти Ҳафиза Алимова.

Навбат шоира қизларга берилади. Муҳсина Бобоева, Қутлибека Раҳимбоеваларнинг чиқишларини йиғилганлар қизғин олқишладилар. Сўзга соз уланди. Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг Салоҳиддин Тўхтасинов бошлиқ бир группа санъаткорлари хизматда бўлишди. Йиғилиш сўнгида колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев гурунгни уюштирган Тошкент область комсомол комитетига миннатдорчилик билдирди.

Ҳалима РАҲМАТОВА,
Тошкент область комсомол комитетининг инструктори.

Фарида УСМОНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

УХЛАТАДИГАН КУЗОЙНАК

Уйқусизлик азобини бошидан кечирганлар унинг қандай дард эканини яхши билишади. Бундай ҳолларда аксарият уйқу дори ичилади. Бироқ, ҳадеб бир хил дори ичаверилгач организмда унга қарши иммунитет пайдо бўлади, қолаверса уйқу дори кўплаб истеъмол қилинаверса, салбий таъсир этиши ҳам мумкин.

Шу жиҳатдан Ғарбий германиялик бир гуруҳ радиоинженерлар яратган ўзига хос электр асбоб диққатга сазовор. Кўринишдан қуёш нурига қарши тутиладиган кўзойнакка ўхшаш бу асбоб 5—10 минутда кишини ухлатиб қўяди.

Ноёб кўзойнакнинг ухлатиш сири оддий. Кўзойнак тақилганда унга бириктирилган миттй электродлар қовоққа тегади. Тугмача босилгач, кичкина генератордан унга электр токи ўтади. Миттй генератор узатган ток марказий нервга таъсир қилади ва кишини ухлатади.

Тўғри, бундай кўзойнаклар ҳозирча кўплаб ишлаб чиқарилаётгани йўқ, лекин яқин келгусида унинг ёрдамида уйқусизлик касалига даво топилса ажаб эмас.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАЧОН ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛАДИ

Бундан олти йил муқаддам қурилган эди бу боғча. Тўғри, у дастлаб кўпчилик ота-оналарнинг эътиборини ўзига тортди. Бино ҳам, хоналар ҳам янги эди.

Вақт ўтди. Аммо, болалар маскани ремонт нима эканини билмади. Иўлингиз тушиб Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг 4-бўлимига қарашли бу боғчага ўтсангиз ҳайрон қоласиз. У гўё кўчиб кетган уйга ўхшайди.

Ҳаммаёқ қаровсиз ҳолда ётибди. Унинг майдончасидаги гуллардан нишон ҳам қолмаган. Ичкаридаги аҳвол бундан баттар. Хона деворларининг сувоқлари тушиб кетган. Деразалардаги ойналарнинг айрим кўзлари йўқ.

Бу ердаги шароитнинг ночорлиги учун бўлса керак, ҳозир боғчага бори-йўғи 24 бола қатнаяпти. Ваҳоланки, у 80 кичкинтойга мўлжалланган.

Маълум бўлишича, қурт боқиш вақтида, маҳсулот йиғим-теримида боғча хоналари ҳашарчиларга бўшатиб берилар экан. Эрта-индин шу аҳвол яна юз бериши мумкин. Наҳотки, болалар масканидан бўлак жой топилмаса?!

Бўлим раҳбарлари буни кўра-билатуриб, оқилона иш тутишмаётгани кишини таажжублантиради.

Х. МИРСОЛИЕВА.

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Ҳурматли газетхон, пастки суратдагиларга бир қаранг-а, кўзингизга иссиқ кўринмаяптими? Қаердадир учратгансиз-а. Таниган бўлишингиз керак.

Ҳа, яглишмадингиз. Ўша сиз учун энг қадрдон, азиз кишилар. Қачондир ўзингиз, ё жондан ширин фарзандингиз, ёки ака-ука, опа-сингил, дўстларингизнинг дардига малҳам бўлган, билими, тажрибаси, маҳорати, маслаҳатини аямаган оқ халатда кўрган одамларингиз. Шифокорлар!

Уларнинг ҳаммаси тенгқур дўстлар. Тошкент Давлат медицина институтидан роппа-роса 40 йил бурун учирма бўлган қалдирғочлар.

Ўшанда улар 207 нафар эди. Мустақил ҳаётга қадам қўйиб, саломатлик посбонлигига отланишган эди. Тақдир шамоли уларни турли томонларга учириб кетди.

Давр оғир эди. Кўплар шошилинч ҳарбий форма кийди. Масалан, Восит Воҳидов дипломни қўлга тутибоқ олисга йўл олиб, жангчилар даврасига тушди. Унинг яна икки курсдоши Содиқ Мирҳожиев, Маҳамаджон Комиловнинг ҳаёт фаолияти ҳам шундай бошланди. Улар бир кунда Финляндия фронтига йўл олдилар. Кейин Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Ҳарбий госпиталларда, фронтнинг олдинги линияларида Ватан мудофаачиларини оёққа турғазишни улар шарафли бурч деб билишди.

Кечагина студент бўлиб юрган қизларнинг зиммасига ҳам шундай масъулиятли топшириқ юкланди. Мана шулардан бири Татьяна Семеновна Калинина Тожикистонга ишга юборилган, у ерда гинекология хизматини йўлга қўйишга киришган эди. У ҳам ишни тинч давом эттиролмади. Шошилинч ғарбга — Днепропетровскка жўнатилди. Унинг зиммасига қийин вазифа — нкки фронт учун тезда аёллар госпиталини ташкил этиш шунлаган эди. Кейин у бормаган манзиллар қолмади: Ленинград, Камчаткадаги Петропавловск, Шепетовка, Польша шаҳарлари. У қаерга бормасин ТошМИда олган билимларини моҳирлик билан қўлланиб, ташаккурга сазовор бўлаверди. 70 ёшли бу онахон бугунги учрашувга Украина пойтахти Киевдан келди. У катта ва мазмунли ҳаёт йўли ҳақида гапираркан, студентлик йилларини ҳаяжон билан эсларди. Айниқса курсдоши, ўзбек дугонаси Моҳинур Эшонова билан беш йил ётоқхонада ўтказган дамларини унутмайди. Ҳозир ўша дугонаси мана қаршисида ўтирибди —Тошкентнинг таниқли врачи, медицина фанлари кандидати.

Курсдошларнинг деярли ҳаммаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эмасми, оғир жангоҳ лавҳаларидан гап очишади, гап очишади-ю, фронтда фашистларга қарши жангларда мардларча ҳалок бўлганларни эслашади: Златина, Восит Мажидов, Абдулла Мирзаев, Гулёр Мушеев... Кейин яна кўплар орадан кетди. Бугунги учрашувга келиш уларга насиб этмади.

Бу ерга тўпланганлар учун рўйхат қоғози қилинган эди. Унга собиқ талаба ўзи ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдиряпти: иш жойи, лавозими, илмий унвони, адреслари. Буни ўзига хос ҳисобот дафтари дейиш мумкин. Мана, ўша рўйхатдан айрим кўчирмалар:

Айдаралиев Аҳмадбек — 1916 йил, медицина фанлари доктори, профессор, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Қирғизистон медицина институти соцнал гигиена ва соғлиқни сақлаш кафедрасининг мудири, Фрунзедан.

Анников Иван Никифорович,— 1902 йил, методист-врач, шахсий пенсионер.

Кулумбеков Сактаган — Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган врач, «Олатов» санаторийсининг бош врачи, Олмаота шаҳридан.

Салоҳиддинов Ҳуснидин — 1914 йил, невропатолог, медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Андижон Давлат медицина институти нерв касалликлари кафедрасининг мудири.

Хесебон Александр Николаевич — 1912 йил, Кисловодск шаҳридаги «Родина» санаторийсининг врачи.

Икромова Гулжаҳон — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, Тошкент область онкология диспансерининг радиология бўлими мудири.

Ғаниев Оқилхон — доцент, Таштрам клиникасида томоқ, қулоқ, бурун касалликлари врачи.

Я Х Ш И АНЪАНАЛАР

Бу оддий маълумотларни шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар ўзи учун ўзи гапиради. Хизмат кўрсатган врач, фан арбоби, профессор, академик, бош хирург, бош офтальмолог... Бу қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида собиқ курсдошларнинг фан ва амалиётда эришган ютуқлари, ҳаёт пиллапояларидан дадил юқорилаб борганининг далили.

Адресларга эътибор қилинг: Киев, Воронеж, Кисловодск, Андижон, Чирчиқ...

Соҳалари ҳам хилма-хил: онколог, физиотерапевт, невропатолог, гинеколог ва ҳоказо.

Қўплари ўз соҳасида мактаб яратган, янги кашфиётлар билан медицинамиз шуҳратини оширган олимлар. Катта коллективларга бошчилик қилаётган таланти ташкилотчи раҳбарлар ҳам оз эмас: Олим Боқиев, Ҳури Мунавварова, Восит Кабиров, Знёд Долимов, Эргаш Иброҳимов.

Инсон ҳар қандай шуҳрат тожини киймасин, ҳар қандай олий лавозимга тайинланмасин илк бор илм чашмаси кўзини очиб берган, катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб қўйган устозлари олдида доим таъзимда бўлади. Бугунги учрашувда ҳам ўз устозларидан миннатдор шогирдларнинг қалб эҳтироми сезилиб турарди.

Тўқсон билан тўқнашиш арафасида турган икки нуроний сиймо машинадан аста тушиб келишди. Юбилярлар улар висолига шошилишди. Кимдир қарияларнинг қўлтиғидан олди, кимдир машинадан тушишда қайрилиб қолган кийимларини тўғрилаб қўя бошлади. Оппоқ соч ва чўққи соқоллари ўзига ярашиб турган, тийрак кўзлари ҳамон меҳрибонлик билан боқувчи Николай Николаевич Компанцевни тўрга олиб чиқиб ўтказишди. 1933 йилдаёқ у профессор унвонини олган эди. Фармакологиядан берган сабоқлари ҳамманинг эсида. Ўзбекистондаги доривор ўсимликлардан олинадиган моддаларнинг организмга таъсирини чуқур ўрганган бу олим ўз соҳасининг билимдони, студентларга отадек ғамхўр эди. Рафиқаси машҳур профессор Ольга Николаевна Павлова собиқ талабаларидан эринмай ҳол-аҳвол сўрайди. Бу икки устоз ёнига кўп йиллар институтга ректорлик қилган Абдумалик ака Ғуломовни ҳам ўтказиб қўйишди. Талабалар ҳурматли муаллимлар Зулфия Умидова, Яков Гордон ва бошқаларнинг номини ҳам қайта-қайта тилга олишади.

Республикамизда медицинанинг кейинги қирқ йиллик тараққиёти ҳеч шубҳасиз мана шу бугунги давра суҳбати қураётган кадрлар фаолияти билан боғлиқ.

Ўша 1939 йилда институтни 200 дан ортиқ шифокор битириб чиққан бўлса, ҳозир Ўзбекистоннинг медицина олий ўқув юртлари мингминглаб ёшларга врачлик дипломини тутқазмоқда. Бу ўринда ТошМИ асосида ташкил топган Тошкент фармацевтика институти, Самарқанд, Андижон медицина институтлари, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти, қатор илмий-тадқиқот институтларини тилга олиш кифоя.

Кейинги йилларда медицина ихтисослаштириш йўлидан тараққий этиб бормоқда. Ўша пайтда биргина хирургия кафедраси ишлаган бўлса, ҳозир унинг тармоғи беиноҳоя кенгайиб кетди. 30-йилларда Ўзбекистонда юрак хирургияси ҳақида хаёл ҳам қилиб бўлмасди. Ҳозир бу мавзу медицина олий ўқув юртларининг программасига киритилган. Тошкентда ишлаётган ва ТошМИнинг собиқ талабаларидан бири бошқараётган кўкрак хирургияси бўйича йирик марказ замонавий медицина ютуқларини ўзида мужассамлаштириб турипти. Бу ерда электроника медикларнинг оғирини енгил қилмоқда. Энг замонавий диагностика методларидан фойдаланилмоқда. Бу соҳанинг тараққиёти учун давлатимиз кўпдан-кўп маблағларни аямай сарфламоқда.

Учрашувга келган собиқ курсдошлар бир-бирларини яғи муваффақиятлари билан қутлашди. Восит Воҳидовни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклигига сайлаганлиги билан, қўқонлик хирург Абдураҳмон Шапировни Ленин ордени билан, тошкентлик рентгенолог Зикрилла Эгамбердиевни янги босмадан чиққан оммабоп китоби билан табриклашди.

Қутлов, табрикларнинг кети узилмасди. Давра столи атрофидаги учрашувдан сўнг шифокорлар ёшлик йиллари ўтган Тошкент кўчаларини айланишди, қадрдон ТошМИга боришди, студент-ёшларга саломатлик посбонлигида ўтаётган ибратли фаолиятлари, халққа садоқат билан хизмат қилиш лозимлиги ҳақида гапириб беришди.

Дўстлар яна дийдор кўришга, ўн йилдан сўнг эллик йиллик юбилейни ҳам ўтказишга аҳд қилишди.

С. МУСАЕВ.

Суратларда Тошкент Давлат медицина институтини қирқ йил муқаддам тугатган собиқ курсдошларнинг учрашувлари тасвирланган.
А. Абалян фотолари.

„ҚАҲРАБО ДОН" ЖОНКУЯРЛАРИ

ЛАВҲА

Арслон ака тонг гира-ширасида далага етиб келганда, бригада аъзолари дала шийпонида гурунглашиб турган эди. У маккажўхорикорлар орасида Пискент район комсомол комитетининг иккинчи секретари Раҳмат Соиповни кўриб, мамнун кулимсираб кўйди. Комсомол етакчиси деҳқонлар билан яқинда матбуотда эълон қилинган областимизнинг бир группа илғор маккажўхорикорларининг комсомол-ёшлардан ташкил топган маккажўхорикор бригадаларига Мурожаати хусусида суҳбат ўтказаётган эди. «Ҳа, тинибтинчимас ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Уларни эрта тонгдан то кечгача тиним билмай ишлашларини кўриб, қувонасан киши,» — кўнглидан ўтказди Арслон ака.

Шу тобда Арслон Ризмонов, ўзининг, ёшлик шижоати қалбида жўш урган уруш йилларига, биринчи бор «пўлат от» рулини бошқарган вақтларига бир зум ҳаёлан қайтди.

1944 йилдан бери техника билан тиллашиб келаётган А. Ризмонов мана тўрт йилдирки, маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. 60 гектар ерга экилган маккажўхори поялари кўкка бўй чўзиб, бўлиқ сўталарини кўз-кўз қилмоқда. Бригадада ўрим-йиғимга яхши тайёргарлик кўрилди. Ўтган йилга нисбатан бу йил «дала маликаси» 10—12 кун кечикиб етилди. Кечиккан ҳосилни тез ва соз ўриб-йиғиб олиш, бутун бригаданинг тиним билмай ишлашини тақозо этади. Макка дони пишиб етилгунга қадар барча агротехник тадбирларни ўз ўрнида қўллаган бригада аъзолари ўрим техникасини вақтида шайлаб қўйишди. Эндиликда олдиндан ўриш йўллари ҳамда қайтиш жойлари тўғри очилганлиги туфайли ҳар бир комбайннинг иш унуми кундан кунга ортиб бормоқда. Даладаги ҳосил сира нобуд бўлмай йиғиштириб олинмоқда.

Бутун ёз бўйи «қаҳрабо дон» парваришида жонбозлик кўсатган бригада аъзоларидан Э. Дадаматов, М. Норматов, Б. Дадабоев, механизатор А. Музаффаровлар юқори ҳосил умидида иштиёқ билан ишлаяптилар. Арслон аканинг изланишлари натижасида бу йил унинг ташаббуси билан 60 гектардаги маккажўхорини «Херсонец-7» комбайнида ўриб-йиғиб олишни таъмин этиш мақсадида экин эгат оралари 70 сантиметрдан қилиб экилди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳосил ҳам бўлиқ, эгатлар ҳам тўлиқ. Бу ерда барча ҳосил бошқа бригадалардагига нисбатан анча тоза ва сифатли қилиб ўрилгани бу усулнинг самарасини кўрсатиб турибди.

Арслон Ризмонов бошлиқ бригада совхоз бўйича давлатга топшириладиган 100 тонна уруглик донидан 20 тоннасини қабул пунктларига етказиб беради. Бригаданинг кўпчилик аъзолари маккажўхори донини ўриб-йиғиб олишда машғул бўлсалар-да, айримлари ҳали силос учун экилган майдондаги кўкпояни ўриб олиш билан банд. Силос ўриб бўлингач, ҳамма куч «қаҳрабо дон»ни йиғиштиришга ташланади. Вақт кутиб турмаслигини тушунган А. Ризмонов ҳозир ҳам бутун куч ва имкониятларни ўримни кучайтиришга қаратмоқда.

Ўтган йили маккажўхори дони ҳосилдорлигини 80 центнердан оширган А. Ризмонов бошлиқ бригада коллективи бу йил 105 центнерлик маррани кўзлаб хирмон уймоқда. Комбайнлар тўхтовсиз ишлаб турибди. Бригадада ўрим-йиғим ишлари ипатоволиклар усулида олиб борилмоқда. Ҳосил хирмонини тобора ошираётган комбайнчилар айниқса, жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Кунига 8—10 гектар майдондаги ҳосил сифатли ўриб-йиғиб олинмоқда. Комбайнларга техника хизмати кўрсатиш бригадаси бевосита даланинг ўзида шай бўлиб турибди. Шу кунларда Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Арслон Ризмонов бригадаси 1-«Пискент» совхозида биринчилар қатори ўрим-йиғимни тугаллаш арафасида турибди.

Зафар тонги яқин. Кундалик «қаҳрабо дон» карвонларининг кети узилмай, пешма-пеш эгатлардан трактор прицеплари тўлиб чиқмоқда. Бирин-кетин ҳосилдан бўшатган ерлар тобора кўпайиб бормоқда. Дала заҳматкашларининг муносиб меҳнатлари туфайли ўрим-йиғим ишлари ўз вақтида поёнига етказилмоқда.

М. МИРАЛИЕВ,
Пискент райони.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози «қаҳрабо дон» жонкорлари шу кунларда маккажўхори ҳосилини уюшқоқлик билан, тез ва сифатли йиғиштириб олмоқдалар. Ўрим-йиғим ишлари ипатоволиклар методи асосида ташкил этилиб, ҳозирги долзарб дамларда совхоз далаларида 8 та комбайн юқори унум билан ишламоқда.

Бу йил хўжалик маккажўхорикорлари ҳар гектар ердан камида 100 центнердан ҳосил олиш ва 1850 тонна дон етиштиришга қарор қилганлар. 185 гектар майдонда кўзда тутилганидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. «Дала маликаси» ижодкорлари ҳосилни тез ўриб-йиғиб олиб, нобудгарчиликка йўл қўймасдан давлат омборларига жўнатиш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Хўжаликнинг 2—3-бўлимларидаги Қурбонали Қосимов, Ашурмат Ражабов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар маккажўхоричилик бригадаларида ўрим тезкорлик билан олиб бораётир. Совхоз дирекцияси, партия ва комсомол комитетлари комбайнчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берганлар. Улар орасида ташкил этилган социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Хўжаликда ҳар куни 16—17 гектар ердаги маккажўхори ўриб-йиғиб олинмоқда. Гектаридан 90—100 центнердан дон, 300—350 центнердан қўпқоя олинмоқда.

Ҳозирги кунда районнинг барча маккажўхорикорлари ҳам бутун куч, техника воситаларини даладаги ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, қисқа муддатларда йиғиштириб олишга қаратганлар. Колхоз ва совхозларнинг далаларида 57 та комбайн ишлаб турибди. 20 отряд ипатоволиклар методи асосида ўримни кундан-кунга авж олдирмоқда. Бу йил район «қаҳрабо дон» ижодкорлари 1650 гектар ердан 6500 тонна дон ҳосили кўтариш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
Р. ЭСОНОВ.

МАШИНАЛАР ШАЙ

ҒАЛАБА. 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилган «Ленинград» колхозининг Ғ. Жунусов бошлиқ бригадаси аъзолари 98 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Улар етиштирилаётган «оқ олтин»ни қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга қизғин тайёргарлик кўраётирлар. Бригадага ажратилган иккита пахта териш машинаси ишга шай қилиб қўйилган. Механик-ҳайдовчилар бу йил ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олишни режалаганлар.

Н. ДОСТОНОВА,
Я. ТОҒАЕВ.

ОНА ИЗИДАН

...Алия тез-тез юриб ҳисобчи олдига борди-да, пақирдаги сутини бедонга қўйди.

— Охиргисими бу? Бугун мазанг йўқроқ-ку. Бу аҳволда Тошбу сендан ўтиб кетади.

— Ҳали тарғилнинг сутини ўтказганим йўқ, — деди-да Алия ичкарига йўл олди.

— Бу қизимиз бало чиқди, — деди ҳисобчи. Худди онасининг ўзидай ўт—олов! Доимо биринчи бўлишга интилади.

— Бошқалардан кам сут соғиб олган куни кечаси билан ухламасдан чиқармиш, — деди Қорасоч кулиб.

— «Миш-миш» дегандан кўра, ўзларинг унга тенглашсаларинг бўлмайдими?— деди ҳисобчи.

Кимдир энди сўз бошламоқчи бўлиб турган эди, Алиянинг яна бир пақир сут олиб келаётганини кўриб, индамай қолди.

— Баракалла, Алия. Бугун кечагидан 7 килограмм кўп соғибсан, — деди сутни қабул қилиб олган ҳисобчи.

Алия сигирлар охуридаги емишларни яна бир бор кўздан кечирдаг, дугоналари билан уйига йўл олди. Онаси Султония уни кутиб оларкан:

— Қўлларинг ҳам роса чарчагандир, қизим. Ўтиринг овқатлан-да, яхшилаб дам олгин. Эртага яна тонг ёришмасдан туришинг керак.

— Қўяверинг ойи. Биринчи кун эмас-ку, ўрганиб кетдим. Қизига меҳрибон тикилиб ўтирган она хаёлга чўмди.

Бундан уч йил илгари Алия мактабдан шод бўлиб қайтди. Шу куни у ўрта мактабни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатномани онасига узатиб, фермада ишлаш истаги борлигини айтди. «Кексайганимда қўлимдан ишимни олганинг яхши бўлди», — деб қувонди.

Қиз онасига саҳарлаб онаси билан фермага йўл олди...

1978 йилда у ўзига бириктирилган ҳар бир сигирдан пландаги 3200 ўрнига 4008 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга муваффақ бўлди.

Бу йил ҳам илғорлар сафида бораётган ёш коммунист Алия Темирбекова жами 560 центнер сут соғиб олиш учун курашмоқда.

А. ИБРОҲИМОВ,
Бўстонлиқ райони.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

РЕВОЛЮЦИЯ ОДИМ ТАШЛАБ БОРМОҚДА

Эфиопия пойтахтидаги энг катта миллий театрнинг зали одамларга лиқ тўла. Бу ерда Эфиопия революциясининг 5 йиллигига бағишланган кинофестиваль очилишига бир ярим мингдан зиёд ишчи, хизматчи, ўқувчи тўпланган. Давлат байроқлари ва қизил байроқлар билан безатилган саҳна тўрида Маркс, Энгельс, Ленин портретлари қўйилган. «Интернационал» садолари тантанали янграйди. Бошларини фахр билан тик кўтарган кишиларнинг кўзлари тийрак. Пролетар гимнининг сўнгги садолари тугар-тугамас улар революцион руҳда саломлашиш учун қўлларини мушт қилиб баланд кўтарадилар. «Е революция, Е ўлим!», «Биз ғалаба қозонамиз!» деган ҳитобар зал гумбазлари остида эшитилади.

Беш йилдан сал кўпроқ вақт муқаддам бу бинода Эфиопиянинг мумтоз зотлари — сарой аъёнлари, заминдор бойваччалар, маҳаллий амалдорлар қайфу сафо қилишарди.

Фестиваль Эфиопия кинохужжатчиларининг «Кураш — ғалаба, ғалаба — кураш» деган лентасини кўрсатиш билан бошланди. Фильм экранда яқин ўтмиш саҳифаларини гавдалантиради. Ранг-баранг бўёқлар билан чиқарилган китобчалар ажнабий туристлар учун Эфиопияни «Ўн уч ойлик қуёш мамлакати» деб таърифлар эди. (Эфиопия календарига кўра бир йил 13 ойга бўлинган). Аммо, миллион-миллион оддий меҳнатчилар учун мана шу 13 ой бечорахол қашшоқлик, очлик, касалликлар билан ўтар эди. Заминдор бойваччалар, дин пешволари текинхўрлик билан айшу ишратдан бўшамасалар, ўн минглаб камбағаллар, аёллар, болалар очликдан ўлиб турарди. Революция арафасида Волло вилоятининг бир ўзида қурғоқчилик сабабли 200 мингдан ортиқ киши халок бўлди.

Аммо халқнинг қаҳр-ғазаб тўлқини кучайиб, кенгайиб борди. Деҳқонлар, ишчилар, студентларнинг стихияли ғалаёнлари мамлакатни тобора кўпроқ ларзага сола бошлади. 1974 йил ўрталарига келиб, армия халқ томонига ўтди ва метиндек мустаҳкам туюлган император тузумининг «қўрғони» дарз кетди.

Революцион жараён муқаррар тус олди. Оппозицияга қарши бўлган ҳар қандай кучлар шафқатсизлик билан қириб ташланган ва сиёсий партиялар тақиқлаб қўйилган бир шароитда тараққийпарварлик кайфиятдаги ҳарбийлар-халқ оммаси орасидан чиққан кичик офицерлар билан оддий аскарлар халқ қўзғолонининг раҳбари ролини ўз қўлларига олдилар. Улар мувофиқлаштириш комитетини сайладилар, кейинчалик бу комитет муваққат Ҳарбий маъмурий кенгашга айлантирилди. 1974 йил 12 сентябрь куни Эфиопия халқи ўз тарихининг янги саҳифасини очди.

12 СЕНТЯБРЬ — ЭФИОПИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — РЕВОЛЮЦИЯ КУНИ

12 сентябрь куни Эфиопия халқи ўз тарихининг янги саҳифасини очди.

Муваққат Ҳарбий маъмурий кенгаш 1974 йил декабрида эълон қилган биринчи программаси ҳужжатидаёқ социалистик йўлдан бориш сиёсатини маълум қилди. Императорнинг ағдариб ташланиши сарой доираси билангина чекланадиган тўнтариш бўлмаганлиги, балки очиқ-равшан синфий характердаги ҳаракат эканлиги равшан бўлди. Сиёсий декларациядан кейин мамлакатда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш йўлида амалий қадамлар қўйилди. Сўнгра батафсил сиёсий «Миллий — демократик революциянинг программаси»да янги ҳокимиятнинг «Эфиопияда социализмга ўтиш учун мустаҳкам замин яратиш»га қатъий аҳд қилганлиги тасдиқланди. 1975 йилнинг бошларида банклар, страхование компаниялари, ҳамма йирик саноат корхоналари давлат ихтиёрига олинди. Мамлакат тарихида биринчи меҳнат қилиш ҳуқуқини, 8 соатлик иш кунини, меҳнаткашларнинг корхоналарни бошқаришда иштирок этишини гарантиялайдиган меҳнат қонуни қабул қилинди.

Ўша йилнинг март ойида ўз аҳамияти жиҳатидан беқиёс воқеа содир бўлди—аграр ислоҳот тўғрисидаги декрет босилиб чиқди. Шу декретга биноан ер коллектив мулк деб эълон қилинди ва ишлайдиганларгагина тақсимлаб берилди. Бутун мамлакат аҳолисининг 90 процентидан кўпроғини ташкил этувчи деҳқонлар революцияга ишонибгина қолмай, унинг садоқатли иттифоқчиси ва ҳимоячисига ҳам айланди. Қишлоқларда деҳқон уюшмалари—жойлардаги халқ ҳокимияти органлари пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда 25 мингтадан кўпроқ ана шундай уюшма бўлиб, уларнинг ҳаммаси Умумэфиопия деҳқонлар уюшмасига бирлашган.

Аммо ички контрреволюция билан ташқи реакция ўз позицияларидан чекинмокчи эмас эди. Мамлакатда турли-туман сиёсий гуруҳлар ва империяторпараст шайкалар кенг миқёсда ҳаракат қилиб, ошкора террор, иқтисодий саботаж ва ғаламисликлар йўли билан Эфиопия революциясини қўпоришга уриндилар. Шимолда, Эритрея вилоятида сепаратчилар ҳужумга ўтдилар. Империалист давлатлар билан реакцион араб режимларининг гиж-гижлаши ва ошкора қўллаб-қувватлаши шароитида Сомали ҳукмрон доиралари Эфиопияга қарши очиқдан-очиқ агрессия бошлаб, унинг ичкарисига 700 километрдан кўпроқ кириб келдилар.

Революция бонҳоя эўр куч-ғайрат ва кўпдан-кўп қурбонлар эвазига бардош берди ва реакциянинг фитнасини барбод қилди. Тинч қурилиш, вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш вазифалари кун тартибига қўйилди.

Ҳозир ўз фаолиятида марксизм-ленинизм принципларига амал қиладиган Меҳнаткашлар партиясини тузиш масаласи мамлакатда тобора конкрет тус олиб бормоқда. Бу партия ҳозирги босқичда Эфиопия революциясининг етакчи ва раҳнамо кучи бўлиши, уни янги ғалабалар ва зафарларга бошлаб бориши лозим.

Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасида қарор топган амъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари замон синовидан ўтди. Бу алоқалар 1974 йил 12 сентябрь Революциясидан кейин айниқса мустаҳкамланиб, сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди. «Биз Эфиопия революцияси учун ҳал қилувчи даврда Совет Иттифоқи пролетар интернационализми принципларига асосида революциямизга берган беғараз ёрдам ва маданни ҳеч качон унутмаймиз», — деб таъкидлади Муваққат Ҳарбий маъмурий кенгашнинг Раиси Менгисту Хайле Мариам ўз нутқларидан бирида. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида ўтган йил ноябрида Москвада КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Муваққат Ҳарбий маъмурий кенгаш ва Социалистик Эфиопиянинг Министрлар кенгаши раиси Менгисту Хайле Мариам имзолаган Шартнома Совет—Эфиопия муносабатларининг мантиқий ривожи бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Эфиопияга қилган расмий дўстлик визити ҳам иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар самарадорлигининг тасдиғидир.

Шу кунларда Эфиопия халқи ўз революцияси йиллигини тантанали нишонламоқда. У ўтган беш йиллик курашни якунлар экан, ҳали келгусида кўп, қийинчиликлар ва ҳал этилмаган вазифалар борлигини билади. Аммо эришилган муваффақиятлар, халқ оммасининг танлаб олинган йўл тўғрилигига чуқур ишончи, унинг фидоийлиги ва меҳнати узил-кесил ғалабанинг гаровидир. «Революция олга бормоқда» деган шиор ҳозирги Эфиопиянинг рамзидир.

Ю. ПИЧУГИН,
ТАССнинг Аддис-Абебадаги мухбири.

ЭРОН КУРДИСТОНИДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 10 сентябрь. (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришича, Эрон Курдистонида курд қўзғолончилари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида айрим қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Ҳукумат қўшинлари бугунги кунда Курдистондаги барча йирик аҳоли пунктларидаги аҳволни назорат қилиб турибди. Эрон Ислом Республикаси бирлашган штабининг бошлиғи генерал Шокир «Кейҳан интернэшнл» газетаси мухбири билан суҳбатда маълум қилганидек, ана шу тўқнашувлар натижасида ҳукумат қўшинларининг 30 нафарга яқин солдати ўлдирилган, 78 солдат ва «революция соқчиси» ҳали ҳам курдларнинг қўлида асир бўлиб турибди. Ҳукумат қўшинлари, деди Шокир, барча курдлар тўла-тўкис қуролсизлантирилиб, ана шу районда хавфсизлик тикланмагунча Курдистонда қолаверадилар.

ШОНЛИ САНА

БАҒДОД, 10 сентябрь. (ТАСС). Ина агентлиги СССР билан Ироқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кунга бугун 35 йил тўлиши муносабати билан баёнот эълон қилди.

Иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар, дейилади баёнотда, 1958 йилда Ироқдаги монархияга қарши революциядан кейин айниқса ривож топди. Тез орада Ироқ билан СССР ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги биринчи битим имзоланди. Ана шу битимга мувофиқ Совет Иттифоқи Ироқ миллий экономикасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб Ироққа техникавий кўмак берди.

Баёнотда 1972 йилда Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шартнома, дейилади баёнотда, икки томонлама Совет — Ироқ муносабатларини ривожлантириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлди. Бу шартнома империалистлар ва сионистларнинг араблар дунёсига нисбатан тузган режаларига зарба урди ва регионда миллий озодлик ҳаракатларининг позициялари мустаҳкамланишига ёрдам берди.

Ироқ билан СССР ўртасида тенглик ва самимийликка асосланган муносабатлар, деб уқтирди агентлик, замон синовидан ўтди. Бу муносабатлар иккала дўст мамлакатнинг туб манфаатига мос бўлиб тушаётганлигини ҳамда империализм ва реакцияга қарши, барча халқларнинг тинчлиги ва озодлиги учун курашга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини ўтган йиллар яққол кўрсатди.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. «Варнов-верфт»—республикада. «Аъло сифатли иш корхонаси» фахрий унвонига эга бўлган биринчи кемасозлик корхонасидир. Бу ерда ГДР савдо флоти учун аъло сифатли кемалар қурилмоқда. СССР корхонанинг энг йирик буюртмачисидир. Сиз суратда кўриб турган «Адмирал Ушаков» кемаси бу йил қурилган 7-кемадир. Янги типдаги бу кема қутб денгизлари шароитида юк ташиш учун мўлжалланган.
АДН—ТАСС фотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ШИПОНДА КОНЦЕРТ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг маданият саройида ташкил қилинган ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари Пискент райони хўжаликларида бўлиб, қизиқарли программада концерт қўйиб бердилар. «Гулистон» колхози бригадаларининг дала шипонлари пахтакорлар билан гавжум бўлди. Бу ерда олмалиқлик хушвоз хонандалар, талантли раққосалар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Ҳаваскор санъатқорлар Тельман номли, Калинин номли, Охунбобоев номли колхоз шипонларига ҳам ташриф буюришди.

Олмалиқлик санъаткорлар пискентлик деҳқонларга ҳар йили мана шундай маданий хизмат кўрсатишади. Ингимтерим бошланиши билан пахтакорларга кўрсатиладиган бу хизмат яна ҳам кучаяди.

Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларининг ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидаги аъзолари ўз оталигидаги хўжаликларда тез-тез бўлиб туришибди. Бу тадбир пахтакорлар руҳини кўтармоқда, уларни яна ҳам унумли меҳнат қилишга ундамоқда.

СОВҒА БУЮМЛАРИ МАГАЗИНИ

ОЛМАЗОР посёлкасида совға буюмлари билан савдо қилувчи янги магазин ишга туширилди. Бу ерда биринчи синф ўқувчилари учун махсус бўлим ҳам ташкил этилган. Магазин коллективи посёлка аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

АМАЛИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ

РЕСПУБЛИКА амалий санъат музейи залларидаги ҳамиша томошабинлар билан гавжум. Залларга осиб қўйилган турли хил гиламларни, стендларга қўйилган чинни буюмларни, ёғочни ўйиб ишлаган ҳамма хил манзараларни тошкентликлар ҳам, пойтахтимиз меҳмонлари ҳам қизиқиб кўздан кечирмоқдалар.

Музей экспонатлари кейинги пайтда анча кўпайди. Бу ерда халқ ижодини систематлаштириш, бебаҳо экспонатларни топиш ва таъмир қилиш устида катта ишларни амалга оширдилар. Халқ орасидан етишиб чиққан амалий санъат усталарининг ижоди бугунги кунда музей залларида яққол кўзга ташланиб турибди. Музей экспонатлари билан таништириш, рус, ўзбек ва чет тилларда олиб борилмоқда.

ДЎППИГА СИФАТ БЕЛГИСИ

ТОШКЕНТ бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи коллективи қўлидан чиқаётган маҳсулотлар оламга машҳур. Қўргазмаларда намойиш қилинаётган дўппи, палак, чойшаб, зардеворлар юқори баҳо олаётир.

Дўппи цехи ишчилари ўтган ойларда салкам 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ҳозир цехда 12 хил дўппи тикиляпти. Шундан етти хили Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Чоргул, Ироқи, Бисёр каби дўппилар хушбичимлиги, ихчамлиги билан ажралиб туради.

Дўппидўзлар тайёрлаётган маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор беришляпти. Ҳозирги кунда яна уч хил дўппи Сифат белгисини олишга тақдим этилган.

АЛОҚА УЙИ ҚУРИЛМОҚДА

6-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН кўчма колоннанинг ўртоқ Р. Охунжонов бошлиқ бригадаси қурувчилари район марказида алоқа уйи қурилишини бошлаб юборишдилар. Бу ерда почта, телеграф, телефон ва бошқалар жойлашади. Қурувчилар алоқа уйини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун барча чораларни кўраётирлар.

М. ЗАРИПОВ.

ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ

1 сентябрь бутун Иттифоқимиздаги каби областимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўқувчилар учун катта байрам сифатида нишонланди. Бу йил айниқса мактаб партасига илк бор ўтирадиган кичкинтой ўғил-қизлар учун катта совғалар тайёрланди.

Олмалиқ шаҳрида 1568 ўринли тўрт қаватли янги бино фойдаланишга топширилди. Бу ўқув даргоҳини «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишди. Ангрен шаҳрида ҳам 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб қуриб битказилди. Шунингдек, худди шундай мактаб бинони Газалкентда қад кўтарди.

Янги мактабларда ўқувчилар яйраб билим олишяпти. Чунки бу мактабларда улар учун барча шароитлар яратилган.

Лирик мисралар

НОМИНГ ОЧИҚ АЙТОЛМАДИМ

Кўриб қолдим дафъатан
сени,
Шундан бери олов,
ўтдаман...
Номинг очиқ айтолмадим,
ёр,
Лекин бир кун очиқ
айтаман.

Ҳар боқишинг ўзи бир
қўшиқ,
Шу қўшиқ-ла бедор
ўтаман...
Номинг очиқ айтолмадим,
оҳ,
Вақти келар очиқ айтаман.

Гўзал исминг минг такрор
дилда,
Лек қониқмай, минг бор
кутаман...

Номинг очиқ айтолмам,
узр,
Бахтли дамда очиқ
айтаман.

Ўз йўлимда юриб бир
маҳал,
Яна ортга — сенга
қайтаман...
Номинг билан қайта
туғилдим,
Лекин номинг қандай
айтаман.

Юрагимда муҳайё баҳор,
Сенга қачон, қачон
етаман...
Излаб топган номдорим
маним,
Иста, номинг очиқ
айтаман!..

ПОК ВАЪДА

Пок ваъдамни сенга
бердим,
ўзга ҳеч ҳам бермасун.
Қалбим фақат сенга урди,
ўзга қалб ҳеч урмасун.

Излаб-излаб изларингни,
жонга роҳат истадим,
Ёниб юрдим изларингдан,
ўзга ҳеч ҳам юрмасун.

Атир гулдай сочларингни
кафтга олиб ҳидладим.
Муқаддас деб кўзга
сурдим,
ўзга ҳеч ҳам сурмасун.

Сенинг ишқинг менга
танҳо,
унинг йўли машаққат,
Майли турдим йўл бошида,
ўзга ҳеч ҳам турмасун.

Бир боқишинг оташ-олов,
қўш боқишинг қўш қуёш,
Нигоҳимни сенга бурдим,
ўзга ҳеч ҳам бурмасун.
Гавҳар сўзим сизга
дединг,
қилдинг ҳатто қасамёд,
Ўзим сўрдим ҳол-
аҳволинг,
ўзга ҳеч ҳам сўрмасун.

Пок ваъдага ё мен, ё сен,
гар хиёнат айласак.
Кўзим ҳурни ҳеч
кўрмасун,
кўзинг нурни кўрмасун.

РАДДИЯ

Воз кеч ўша ёмондан,
Сўзлашмагин у билан,
дединг.
Истар кўнглинг қандайин
қилиб,
Турқи совуқ, у илон,
дединг...

Илтимосинг оғир, биродар,
Уддасидан чиқмасам
керак.
Юлиб ташлаб бўлурми,
ахир,
Унинг билан яшаса юрак.

Гар хоҳласанг розиман,
майли,
Воз кечайин бу ширин
жондан.
Аммо ҳеч ҳам севгим
туфайли,
Воз кечолмам ўша
«Ёмон»дан!..

МАҚСАД

Тошга тош урилмаса,
Чиқмас жавоҳир нури.
Жонга-жон йўғрилмаса,
Ёнмас ишқининг сурури.
Кел, бўлайин қаҳрабо,
Дилгинангнинг тўрида.
Порлай минг йил жо-
бажо,
Қўш юракнинг қўрида.

Раҳим УМАРИЙ.

Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари Қўргазмаси залларида республика полизчиларининг конкурси бўлиб ўтди. Суратларда: Калинин район «Хасково» совхозининг халқ селекциячилари ака-ука Каримшоевлар (ўртада), миришкор полизчилар етиштирган янги навлар.

А. Абалян фотолари.

КИМНИНГ ҚОВУНИ ШИРИН

СЕРҚУЁШ диёримиз нозне'матлари доврўғи етти иқлимга маълум. Республикамизда етиштирилган қовунлар кейинги йилларда халқаро ва Бутуниттифоқ қўргазмаларида 12 та олтин медалга сазовор бўлганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Шу кунларда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлган киши полизчилар маҳоратига яна бир карра амин бўлади.

Қўргазмага қўйилган қовун ва тарвузлардан кўз қамашади: олачипор ва мармар тарвузлар, шакарпалак, гулоби, ананас қовунлар... Уларни санаб саногига ета олмайсиз. Шуни айтиш кифоя, республикамиз воҳа ва водийларида қовуннинг 120 турлари нави етиштирилади. Уларнинг аксарияти куни неча бу ерда тантанали равишда очилган республика полизчиларининг кўрик-конкурсида намойиш этилмоқда. Қўргазмадаги диаграммаларда республикамизда полиз маҳсулотлари етиштиришнинг равнақи кўрсатиб берилган. Агар 1971 йилда давлатга 330 минг тоннадан кўпроқ қовун ва тарвуз сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 598,5 минг тоннани ташкил этди. Бу ютуқларга областимиз полизчилари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар. Қўргазмада областимиз колхоз ва совхозидан 22 та полизчилик бригадаси иштирок этаётир.

Биз Калинин районидаги «Москва» совхозининг полизчилик бригадаси бошлиғи Т. Олимжонов билан суҳбатлашамиз.

— Полизчиларимиз бу йил 18 гектар майдонда тарвуз ва 2 гектар ерда қовун етиштирдилар,— дейди у.— Бригадамиз коллективи эл дастурхонига тортиқ қилинадиган қовун ва тарвузлари ширин-шакар бўлиши учун астойдил ҳаракат қилаётирлар. Биз минерал ўғитларни ишлатмаймиз. Полиззорларга фақат гўнг солинади. Фидокорона меҳнат қилинса, селитрасиз ҳам полиз экинларидан юқори ҳосил етиштириш мумкин. Биз давлатга қовун ва тарвуз топшириш планларини муваффақиятли бажарляпмиз. Айни пайтда далаларимизда етиштирилган қовун ва тарвуз халқимизга манзур бўлаётир.

Областимизда тилни ёрар қовун етиштириш усталари кўп. Ўтган йилги полизчиларнинг республика кўригида Бўка районидаги Ильич номли колхознинг полизчилик бригадаси бошлиғи Ендошали Йўлдошев ғолиблар сафидан ўрин олган эди.

Бу йил ҳам кўрик-конкурсда иштирок этаётган Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозидан М. Худойбердиев Бўка районидаги «Бўка» совхозидан И. Раҳматов, Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозидан Р. Мамажонов ва бошқалар қўргазмага келтирган қовун ва тарвузлари жюри аъзоларига маъқул тушди.

Калинин районидаги «Хасково» совхози селекционери Ўринбой Каримшоев конкурсда учинчи мукофотга сазовор бўлди.

Кўргазмадаги ўзига хос бу қовун сайилида республикамизнинг барча областларидан, Қорақалпоғистон автоном республикасидан келган полизчилар ҳам иштирок этаётирлар. Ҳар бир полизчи етиштирган қовун ва тарвуз жюри аъзолари томонидан дегустация қилиниб, баҳоланиб борилади. Энг ширин, деб топилган қовунларни етиштирган полизчилар республика кўрик-конкурси ғолиблари бўладилар.

Бу қўргазмада сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва «Ўзсортсемовошч» ҳам иштирок этаётир. Уларга бағишланган стендларда кейинги йилларда яратилган қовун ва тарвузларнинг янги истиқболли навлари намойиш этилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда 15 хил янги қовун нави ва 2 хил тарвуз нави районлаштиридик. «Ўзсортсемовошч» ташкилотлари ва хўжаликлари шу йилнинг ўзида 821 центнер қовун, 1860 центнер тарвуз уруғи етиштирдилар. Бу уруғлар 16,4 минг гектар майдонга қовун, 37,2 минг гектар ерга тарвуз экиш имконини беради.

Кўргазмада қовун сайили давом этмоқда. Ширин-шакар қовун-тарвуз етиштириб, эл таҳсинига сазовор бўлган полизчилар ўз меҳнатлари самарасини намойиш этмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Спорт

МИХАИЛ ТАЛЬ ПЕШҚАДАМ

Ригада шахмат бўйича зоналараро турнир давом этмоқда. Навбатдаги бешинчи турда Михаил Таль Буазиз билан учрашиб, ўйинни дуранг қилди. Ларсен эса Георгиу билан учрашди. Бу ўйинда ҳам томонлар очколарни бўлишиб олдилар. Адорьян Римсдейкин, Рибли эса Гринфельдни маглубиятга учратди. Бешта ўйин кечиктирилди.

Беш турдан сўнг 4,5 очко тўплаган жаҳоннинг собиқ чемпиони Михаил Таль пешқадамлик қилмоқда.

ҚОРАТОЙ ПОЛВОН ИЗДОШЛАРИ

Республиканинг бир неча марта чемпиони, машҳур Қоратой полвон Юсупов мукофоти учун ҳар йили энг кучли спортчиларнинг мусобақаларини ўтказиш анъана бўлиб қолган. Бу сафар ҳам Наманганда «Спартак» стадионига республикамизнинг турли областларидан келган кучли полвонлар тўпланишди. Улар орасида кўпин Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан келган кураш шайдолари ҳам бор эди.

Ўнта вазнда ғолиб келган полвонларнинг тўрттаси Тошкент область вакилларидир. Паркентлик А. Жўраев, Г. Сиддиқов, С. Омеров ҳамда Т. Бўриевлар барча рақибларини енгиб, биринчи ўринни эгаллашди. Қолган тўрт вазнда наманганликлар ғолиб келишди. Шунингдек Туркманистон ва Сирдарёнинг биттадан вакили ҳам ҳурмат шоҳсупасининг юқорисига кўтарилишга муяссар бўлди.

БОКСЧИЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРНИРИ

Кеча пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт саройида бокс бўйича СССРда хизмат кўрсатган тренер, республикамизда шу спорт турига асос солганлардан бири Сидней Жаксон хотираси совғаси учун ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Турнирда республикамиз боксчилари билан бирга РСФСР, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Белоруссия, Украина вакиллари ҳам иштирок этишди. Кеча ҳал қилувчи финал учрашувларида Тошкент шаҳри ва пойтахт области вакиллари Н. Юнусов, С. Маркин, А. Зокиров, М. Качаева, Е. Крутов, А. Галский, Г. Шегай ҳамда В. Ивановлар ҳам иштирок этишди. Кеча ҳал қилувчи финал учрашувларида Тошкент шаҳри ва пойтахт области вакиллари Н. Юнусов, С. Маркин, А. Зокиров, М. Качаева, Е. Крутов, А. Галский, Г. Шегай ҳамда В. Ивановлар ҳам иштирок этишди.

КОЛХОЗ-СОВХОЗ СПОРТЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Республикамиз қишлоқларида физкультура ва спорт тобора ривожланиб бормоқда. Янги комплекслар, оддий майдончалар қурилмоқда, секцияларда шуғулланаётганлар сафи ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Куни кеча Иштихонда бўлиб ўтган Ўзбекистон колхоз ва совхозлари физкультура коллективларининг биринчи спартакиадаси бу фикрни исботлади.

Самарқандликлар команда ҳисобида биринчи бўлишди. Андижон области вакиллари иккинчи, тошкентликлар учинчи мукофотли ўринни эгалладилар.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВГА

Баскетбол бўйича Ўзбекистон терма командаси Қувайтга жўнаб кетди. Спортчиларимиз қўшин мамлакатда ўн кун бўлишиб, бир неча халқаро ўртоқлик учрашувларини ўтказадилар. Команда сафида СССР спорт мастерлари Г. Авдеев, Н. Бузляков, А. Глебов, Г. Усмонов, Ю. Тихонов ва бошқа баскетболчилар бор.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДА

БОҒБОНЛАР ЮТУҒИ

РАЙОН боғбонлари бу йил ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Улар шу кунгача эл дастурхонига пландаги 2800 ўрнига 3 минг тоннадан зиёд мева топширдилар. Айниқса, совхозининг тажрибали боғбони Мутал Юнусов етакчилик қилаётган бригадаси боғбонлари катта ғалабаларга эришдилар. Улар шу кунгача 600 тоннага яқин мева тайёрлаб, бу борадаги мажбуриятларини ҳам бажардилар.

ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚ

ҚОРАХИТОЙ қишлоқ Совети ободончилик соҳасида кўпгина ишларни амалга ошираётир. Бу ерда депутатлар ташаббуси билан йўллар асфальтланмоқда, янги тротуарлар бунёдга келмоқда. Яқинда қишлоқда янги чойхона қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, мебель магазини қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

СУРЪАТ ҲАМОҚДА

ЦЕМЕНТ комбинатининг шифер цехи коллективи тайёрлаётган маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Комбинат муҳри билан чиқаётган маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқарига ҳам жўнатиляпти. Бу йил комбинатда планга қўшимча 230 минг шартли дона шифер тайёрланади. Корхонада ўтказилаётган мусобақада А. Мошков етакчилик қилаётган смена коллективи пешқадамлик қилаётир. Сменанинг Э. Тўрақулов, А. Суганяков, А. Гродский каби ишчилари кунлик топшириқларини 140—160 процентга етказиб бажараётирлар.

ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

ОҲАНГАРОН шаҳрида турар-жой ва жамоат бинолари сони кўпайяпти. Қурилиш ишлари асосан шаҳарнинг 4-микрорайонида олиб борилмоқда. Яқинда бинокорлар 40 квартирали ва 48 квартирали икки турар-жой биноси калитларини оҳангаронликларга топширишди. Янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказилмоқда.

О. ХУШНАЗАРОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

КИНО МУХЛИСЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

Сентябрь ойида область шаҳарлари ва районларидаги кинотеатрлар экранларига янги бадиий фильмларни чиқаради

ПОЛКОВНИК ЗОРИН ВЕРСИЯСИ

Сценарий автори — Владимир КУЗНЕЦОВ.
Постановкачи-режиссёр — Андрей ЛАДИНИН.
Ролларда: Всеволод САНАЕВ, Борис ИВАНОВ, Владимир ТИХОНОВ, Петр БЕЛЬЯМИНОВ, Елена ДРАПЕКО, Алла ЕВДОКИМОВА.

Заргарлик магазинини талаб кетишибди. Лекин ҳеч-қандай из йўқ.

Буни ким қилган экан?

Полковник Зорин, унинг ролини Всеволод Санаев ўйнайди, кекса одам, ўз умрида кўпни кўрганлардан. У шошмасдан, ўйлаб иш қилади, учратишга тўғри келган кишиларни диққат билан кўздан кечиради, ўзини тута билади, ҳар бир кишига ўта сезгирлик ва ишонч билан ёндашади.

Фильмда марказий ўринни полковник Зорин билан таловчилар тўдасининг бошлиғи Козирецнинг психологик олишуви эгаллайди. Жиноятчи ўйинни жуда айёрона ва нозик олиб боради. Лекин барибир у Зорингга бошданоқ тўғри баҳо бераолмаганди.

Психологик детектив жанри актёрларни танлашда алоҳида эътиборни талаб қиларди.

Режиссёр Андрей Ладинин фильмининг асосий ролларига тажрибали саҳна усталари — Борис Иванов, Петр Бельяминов, шунингдек ёш актёрлар Владимир Тихонов ва Елена Драпеколарни таклиф этди.

ФИЛЬМ — «МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА ИШЛАНГАН.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИНИНГ РЕКЛАМА-ИНФОРМАЦИЯ БЎЛИМИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Дўстлик концерти. 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Звездочёт. 16.55 — Молдавия, Белоруссия, Грузия вокал чолғу ансамблари ижро этади. 17.10 — Океан. Бадиий фильм. 17.40 — Горнчилар, қаердасиз! 18.10 — Эфиопияда революция куни-нинг беш йиллигига. 19.00 — Қувноқ ноталар. 19.15 — Дуэт воқеалари. 19.30 — Врач сўзи бати. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Қўшиқ, бизга ҳамиша ҳамроҳ. 21.30 — Время. 22.05 — А. Балаш қўшиқлари. 22.30 — Футбол бўйича Европа чемпионати. Саралаш матчи. Греция—СССР терма командалари. 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Игорь полки ҳақида сўз. 12.00 — Давр ва ўзим ҳақимда. 12.30 — Қандай бўлмасин. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Хўжадик юритиш механизмини такомиллаштиришда янги босқич. 18.50 — Ўсмир ва қонун. 2-кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бокс. СССРда хизмат кўрсатган тренер С. Жаксон хотираси совғаси учун финал мусобақалар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Алимаҳсумов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.20 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигига.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Пиқироз. Бадиий фильм. 2-серия. 20.10 — Янгиликлар. 21.00 — СССР халқларининг куйлари. 21.30 — Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Кўрмайин босдим тиконни.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кичик юлдузлар шуъласи» дилипутлар циркининг хайрлашув гастролари.**

ДОИМИЙ ИШГА

корректорлар (ўзбек тилида), саноат вентиляциясига хизмат кўрсатиш ва уни ремонт қилиш бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар; компрессорли ва совутиш қурилмаларининг ремонтчилари, машинистлар, печатчиклар, машинада ва қўлда ҳарф терувчиларнинг шогирдлари; ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, норовуллар, идишларни ингувчилар, омборчи, склад мудири

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими. Телефон 33-80-83.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти коллективи ижтимоий фанлар редакциясининг катта редактори Ф. Тошматованга умр йўлдоши

Абдукарим АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325743; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р₃ 02156. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2566.